

---

## АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ, САОДАТ БЕРИНГ...

8 март – Халқаро Хотин-қизлар байрамининг айнан баҳор фаслида нишонланиши замирида ҳам ўзига хос маъно ва ҳикмат мужассам. Зотан, баҳор ва аёл сўзлари бир-бирига ҳамоҳанг ва уйғундир. Дарҳақиқат, севги ва садоқат, меҳр-муҳаббат, назокат ва латофат каби энг нозик туйғуларни аёлларсиз асло тасаввур эта олмаймиз. Зеро, азиз аёлларимиз ҳамиша кўз ўнгимизда меҳрибон она, фидойи етакчи, садоқатли ёр тимсолида гавдаланади.

Бугун шаҳримиздаги “Ош маркази” мажмуасида айём муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда ҳам муҳтарам онахонларимиз, азиз опа-сингилларимиз яна бир карра эъзозланди, эътироф этилди. Тантанани шаҳар ҳокими Мирзоҳид Убайдуллаев самимий табрик сўзи билан очиб бугунги кунда мамлакатимизда, хусун шаҳримизда ҳам хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, шаҳар ИИБ бошлиғи Б.Наджимитдинов, шаҳар ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи Р.Мадаминов ҳамда бир гуруҳ шаҳримиз фаоллари ҳам мунис аёлларимизни айём билан қизғин муборакбод этдилар.

Шундан сўнг давомий қарсақлар садоси остида азиз опа-сингилларимизга байрам совғалари улашилди. Санъат усталари, хонанда ва ёш ижрочилар иштирокидаги бадиий-муסיқий дастур барчага байрам шуқуҳини улашди. Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-07 15:13:27